

БУХОРО ВИЛОЯТИНИНГ ТЪЛИМ СОҶАСИДАГИ ТАШҚИ АЛОҚАЛАРДАГИ ИШТИРОКИ ХУСУСИДА

ТУЙЕВ ФАЗЛИДДИН ЭРКИНОВИЧ

Бухоро давлат университетининг

Педагогика институти

Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7184072>

Ўзбекистон миллий мустақилликка эришган дастлабги кунлариданоқ ижтимоий соҳанинг энг муҳим бўғинлари ҳисобланган тълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида ташқи алоқаларни йўлга қўйиш долзарб қилиб қўйилди. 1991 йилнинг сентябр ойи бошларида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси “Республика ўқувчи ёшларига ва мутахассисларига чет тилларни кенг кўламда ўқитиш системасини такомиллаштириш ва унинг моддий-техника базасини ривожлантириш тўрисида” қарор қабул қилди. Маскур қарор Республикада чет тилларни ўқитиш ночор аҳволда эканлиги, замон талабларига мос келмаслиги қайд этилиб бир қатор чора-тадбирлар белгиланди. Қарор асосида Бухоро шаҳрида чет тилларини ўрганиш маркази очилди. Марказнинг асосий мақсади вилоят ўқувчи ёшларига ва корхона мутахассисларига чет тилларини пухта ва атрофлича ўргатиш орқали хорижга чиқиш эди. Айниқса жаҳоннинг ёшлари тараққий этган мамлакатлари Америка, Англия, Япония, Германия, Франция каби давлатларига, шунингдек, Шарқ мамлакатларига ўқишга юбориш, чет мамлакатлар билан ҳамкорлик асосида корхоналар қураётган, ўзаро товар айирбошлашни йўлга қўяётган, савдо-сотиқ олиб бораётган ташкилотлар мутахассисларини таржимонсиз чет элларга ишга юбориш ва шериклар билан бевосита мулоқот олиб бориш каби мақсадлар кўзлангани истиқболга қаратилганди.

Дастлаб марказда ўқишга техникум ва институтларда аъло баҳолар билан ўқиган, истеъдодли ва қобилиятли ёшлар, шунингдек, корхона ва ташкилот ходимлари ўқиётган ёки ишлаётган корхона раҳбариятининг тавсиясига кўра суҳбат асосида қабул қилинганди. Суҳбатдан ўтган ёшлар давлат маблағи, корхона ва ташкилот вакиллари эса шартнома асосида шу корхона ҳисобидан ўқишга жалб этилди.

Бундан ташқари Марказ қошида умумий ўрта таълим мактаблари юқори синф ўқувчиларини олий таълимга ўқишга кириш имтиҳонларига, илмий тадқиқот олиб борувчиларни номзодлик минимумига тайёрлаш ва ихтиёрий равишда чет тилларни ўрганувчилар учун пуллик курслар ҳам

ташкил қилинган эди. Марказда уч, олти, ўн ойлик ва икки йиллик курслар мавжуд бўлган. Тингловчилар сентябр ойида қабул қилинган. Ўқиш биринчи октябрдан бошланган. Курсларда инглиз, немис ва француз тиллари ўргатилган. Ўқитиш интенсив ҳолда олиб борилган ва замонавий техника воситаларидан кенг фойдаланилганлиги сабабли Республиканинг турли вилоятларидан ўқишга чанқоқ ўқувчи ёшлар ва корхона ишчилари кўплаб келган. Бухоро вилоятида мустақилликнинг дастлабги беш йилида мактабгача таълим ва мактаб таълими муассасалари сони куйидагича бўлган.

Бухоро вилоятида 1995 йил охирида доимий ишлайдиган мактабгача тарбия муассасалари сони 773 тани ташкил этиб, шундан 220 таси шаҳарларда, 553 таси қишлоқ жойларида фаолият кўрсатган, ва мактабгача тарбия муассасаларида 72,5 мингта болалар тарбияланган эди 1995 йилда 1995-1996 ўқув йили бошида Бухоро вилоятида умумий ўрта таълим мактаблар сони 506 тани ташкил қилган. Шу йилда ўрта махсус билим юртлари (техникумлар) 14 тани, олий ўқув юртлари эса 3 тани ташкил қилиб мактаб, техникум, олий ўқув юртларида шу йилда таълим олган ўқувчи ва талабалар сони 317.3 минг кишини ташкил қилган.

Шундан умумий ўрта таълим мактабларида 296.6, ўрта махсус билим юртларида 11.4, олий ўқув юртларида 9.3 мингта ёшлар тахсил олган. Вилоят таълим муассасаларини тамирлашга, давлат томонидан ҳар доим этибор қаратиб келинган. 1996-1997 ўқув йилида 16 та умумтаълим мактаблари, 15 та болалар боғчалари, 2 та ҳунар-техника билим юрти, 2 та мактаб-интернати ялпи капитал таъмирланган шу ва шунга ўхшаш таълим муассасаларини таъмирлаш учун 1996 йил январ ойидан 1997 йилнинг март ойигача давлат маблағи ҳисобидан 6 миллион сўм сарфланган эди. 2000-2001 ўқув йилда академик литцейлар ва касб-ҳунар коллежлари каби ўрта махсус ўқув юртларининг қайд этиш мумкин. 2000-2001 ўқув йилида вилоятда академик литцейлар сони 2 тани, касб-ҳунар коллежлари сони эса 16 тани ташкил қилган бўлиб, 2004-2005 ўқув йилига келиб академик литцейлар сони ошмасида, касб ҳунар коллежларининг сони 29 тага кўпайиб, жаъми 45 тани ташкил қилганди.

Мустақиллик йилларида, жумладан, 2010-2011 ўқув йилига келибвилоятда умумий ўрта таълим мактабларининг сони вилоятда 33 тага кўпайиб жаъми, 539 тани, академик литцейлар сони 8 тани, касб-ҳунар коллежлари 80 тани, олий ўқув юртлари 4 тани ташкил қилди. 2010-2011 ўқув йилларида жаъми: 360,9 минг ўқувчи ёшлар шу таълим масканларида тахсил олишди. Шундан мактабларда 259,5 минг, академик

литцейларда 4,8 минг, касб-хунар коллежларида 82,2 минг, олий ўқув юртларида 14,4-мингта ёшлар таълим-тарбия олганди.

2016 йилга келиб давлат мактабгача таълим муассасалари сони 341 тани, улардаги ўринлар сони 41799 тани, тарбия олувчи болалар сони 34824 та, хусусий, мактабгача таълим муассасалари 4 та, ўринлар сони 104 та, болалар сони эса 63 киши эди. Шу билан бирга мактаблар сони ҳам ортиб борган. Таълим соҳасида ташқи алоқаларни ривожлантириш борасида янги йўналишлар вужудга келди.

2016 йил БухДУга АҚШдан кўнгилли (болонтёр) инглиз тили ўқитувчиларни жалб қилиб, университет қошида инглиз тилида ахборот-ресурс маркази ташкил қилинган. Шунингдек, АҚШ элчихонаси томонидан Бухоро вилояти таълим йўналишида амалга оширилаётган ишлар, янги ва мавжуд дастурлар, лойихалар ҳақида яхлит режалар асосида фаолият юритган.

АҚШ элчиси университет хузурида ташкил этилган Access дастурига жалб этилган ўқувчилар билан ҳам учрашди. Мазкур дастур доирасида кам таъминланган оилаларнинг 13 ёшдан 16 ёшгача бўлган фарзандларига инглиз тили бепул ўргатилган. Access дастури бўйича таҳсил олган ўқувчи ёшлар билан савол-жавоб ўтказилди. АҚШ элчихонаси вакили Спратлен хоним 85 йиллик тарихга эга Бухоро давлат университети музейи билан таништирилди.

2018 йилнинг 21 ноябрь куни Бухоро давлат университетида Япониянинг Вакаяма университети, Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги “Эл-юрт умиди” жамғармаси ҳамда ўзбек-япон маркази ҳамкорлигида “БухДУ-Вакаяма туризм таълими ва тадқиқотлари маркази” очилиши маросими бўлиб ўтди. Бу ҳақда вилоят ҳокимлиги матбуот хизмати маълум қилди. БухДУ ва Вакаяма университети ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари 2018 йилнинг 16 апрель куни имзоланган ўзаро шартнома доирасида олиб борилган.

Вакаяма университети Туризм факультети ўз бакалаврият дастурлари учун Бутун жаҳон туризм ташкилоти УНWTўнинг Тед Қуал сертификатини қўлга киритган бўлиб, туризм йўналишида бундай сертификатга эга бўлган биринчи ва ягона япон университетидир. Факултет хузурида “Туризм тадқиқотлари маркази” фаолият кўрсатади. Айни пайтгача мазкур университетдан БухДУга бир неча мартаба профессор-ўқитувчилар илмий маърузалар ўқиш учун ташриф буюрган.

“БухДУ-Вакаяма туризм таълими ва тадқиқотлари маркази”нинг асосий вазифалари ўзаро ҳамкорликда туризм соҳасида тадқиқотлар олиб бориш

билан бир қаторда янги ўқув адабиётлари тайёрлаш, илмий-услубий йўналишларда қўшма лойиҳалар, бакалавриат ва магистратурада қўшма ўқув дастурларини амалга оширган. Марказ фаолиятини қўллаб-қувватлашда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Эл-юрт умиди” жамғармаси ҳамда Ўзбек-япон марказининг Бухоро филиали яқиндан кўмак берганди. “Эл-юрт умиди” жамғармаси Япониядан профессор-ўқитувчи ва тадқиқотчиларни таклиф қилиш, БухДУ вакилларини Вакаяма ва бошқа етакчи япон университетларига малака оширишга юбориш, замонавий ўқув адабиётлари билан таъминлашда ёрдам кўрсатади. Ўзбек-япон маркази Бухоро филиали туризм учун япон тили ва маданияти курсларини ташкил этади. Марказ ихтиёрига ажратилган хоналар БухДУ иштирок этган Европа Комиссиясининг Темпус ва Ерасмус дастурлари доирасида таълим сифатини ошириш мақсадида олиб келинган энг замонавий техник жиҳозлар билан таъминланган.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Бухоро вилояти ҳокимлиги жорий архиви, Ноябрь ойи учун чиқувчи жужжатлар, №.2, 1/5836-6, 2016.03.11., №.1/5908-5, 2016.07.11. қаранг, Бухоро-2016.
2. Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлиги Бухоро вилоят бошқармаси жорий архиви.
3. Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг 2020 йил 9 ноябрь Бухоро вилояти ҳокимлигига йўлланган хати,; Бухоро вилояти ҳокимлиги келишув хати №.5179.
4. Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтининг халқаро алоқалар бўлими ҳисоботи (2019-2020, 2020-2021).
5. ХАЙЕТОВ, Шадмон Ахмадович, and Фазлиддин Эркинович ТУЙЕВ. "ДАННЫЕ ПЕРЕПИСИ НАСЕЛЕНИЯ РОССИЙСКОЙ ИМПЕРИИ 1897 ГОДА, ЯВЛЯЮЩИЕСЯ ИСТОЧНИКОМ ИЗУЧЕНИЯ НАСЕЛЕНИЯ, СОЦИАЛЬНОГО УСТРОЙСТВА И ЗАНЯТИЙ ТУРКЕСТАНА." *Актуальные исследования* 24 (2021): 26-30.
6. Erkinovich, Tuyev Fazliddin. "BUKHARA'S PARTICIPATION IN PUBLIC DIPLOMACY IN COOPERATION WITH FOREIGN COUNTRIES THROUGH UNIFIED CITIES." *INTERNATIONAL JOURNAL OF RESEARCH IN COMMERCE, IT, ENGINEERING AND SOCIAL SCIENCES* ISSN: 2349-7793 Impact Factor: 6.876 16.5 (2022): 131-132.
7. ERKINOVICH, TUYEV FAZLIDDIN. "FACTORS OF SOCIO-ECONOMIC DEVELOPMENT IN BUKHARA REGION IN 1991-1995 AND THE ISSUE OF PARTICIPATION IN FOREIGN RELATIONS." *INTERNATIONAL JOURNAL OF*

SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429 11.05 (2022): 256-258.

8. Sobirovich T. B. The implementation of human indicator reforms in Uzbekistan //Asian Journal of Multidimensional Research. – 2021. – T. 10. – №. 9. – C. 197-202.

9. Sobirovich T. B. Issues of gender equality in uzbekistan: Strategy of reforms //Asian Journal

10. Turdiyev B. S. The role of national harmony in the strategy of spiritual renewal //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2019. – T. 1. – №. 6. – C. 229-233.

11. Sobirovich T. B. Strategy of Renewal of National Spirituality of Uzbekistan //International Journal on Integrated Education. – 2020. – T. 3. – №. 8. – C. 122-126.

12. Sobirovich T. B. The criterion of human indicators in development and renewals in Uzbekistan //EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR). – 2020. – T. 6. – №. 8. – C. 509-511.

13. Sobirovich T. B. Evolution of ideas and views on the development of democratic society and spiritual renewals //Scientific Bulletin of Namangan State University. – №. 10. – C. 243-250.

14. Sobirovich T. B. Philosophical Dialectics of National and Universal Cultural Development //Irish Interdisciplinary Journal of Science & Research (IIJSR). – 2021.

15. Sobirovich T. B. National Principles of Democracy in Uzbekistan //Mediterranean Journal of Basic and Applied Sciences (MJBAS). – 2021. – T. 5. – №. 3. – C. 131-135.

16. Sobirovich T. B. Issues of gender equality in uzbekistan: Strategy of reforms //Asian Journal of Multidimensional Research. – 2021. – T. 10. – №. 9. – C. 203-207.